

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАКТАБ ДЕЗАДАПТАЦИЯСИ: САБАБЛАРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ.

Эркинов Илхомжон Адхамжон ўғли

КИУТ Наманган филиали

1-курс психология мутахассислиги магистранти

**Аннотация.** Ушбу мақолада кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда учрайдиган мактаб дезадаптациясининг асосий сабаблари ва омили таҳлил қилинган. Шунингдек, дезадаптациянинг когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентлари ёритилиб, унинг олдини олишда психологик диагностика ва профилактик чора-тадбирларнинг аҳамияти асослаб берилган. Бошланғич синф ўқувчиларида мактабга мослашув жараёнини самарали ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** мактаб дезадаптацияси, адаптация, бошланғич синф ўқувчилари, психологик диагностика, профилактика, когнитив ривожланиш, эмоционал ҳолат, хулқ-атвор, мотивация.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются основные причины и факторы школьной дезадаптации у учащихся младшего школьного возраста. Освещаются когнитивные, эмоциональные и поведенческие компоненты дезадаптации, а также обосновывается значимость психологической диагностики и профилактических мер в её предупреждении. Предложены рекомендации по эффективной организации процесса адаптации детей к школьному обучению.

**Ключевые слова:** школьная дезадаптация, адаптация, младшие школьники, психологическая диагностика, профилактика, когнитивное развитие, эмоциональное состояние, поведение, мотивация.

**Annotation.** This article examines the main causes and factors of school maladaptation among primary school children. It highlights the cognitive, emotional, and behavioral components of maladaptation and emphasizes the importance of psychological

diagnostics and preventive measures. Recommendations for effective organization of children's adaptation to school are also provided.

**Keywords:** school maladaptation, adaptation, primary school students, psychological diagnostics, prevention, cognitive development, emotional state, behavior, motivation.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда учрайдиган мактаб дезадаптациясининг сабабларини ўрганиш ва уларни чуқур англаш бошланғич синф ўқувчилари учун самарали профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда тўғри ташкил этишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Психологик тадқиқотларда кўрсатилишича дезадаптация ривожланишига таъсир этувчи омиллар ҳамда унинг профилактикаси борасида ўзаро боғлиқлик борлиги таъкидланган. Шунинг учун ҳам ушбу масалани таҳлил қилишда, биринчи навбатда мактаб дезадаптациясининг асосий сабаблари ва омилларини илмий жиҳатдан ёритиш мақсадга мувофиқ.

Мактаб дезадаптациясига олиб келувчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

Ижтимоий-педагогик қаровсизлик дезадаптацияни келтириб чиқарувчи омил бўлиб, у боланинг мактаб таълимига етарлича тайёр эмаслигига сабаб бўлади. Бундай ҳолатда болада ўқув фаолиятига оид бошланғич кўникмалар, интизомлилик, мустақиллик ва масъулият ҳисси етарли даражада шаклланмаган бўлади.

Депривация туфайли боланинг маълум эҳтиёжларини (эмоционал, ижтимоий ёки когнитив) узоқ вақт давомида қондирилмаслиги натижасида боланинг шахсий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, унинг мактаб муҳитига мослашиш жараёнини қийинлаштиради.

Боланинг умумий жисмоний заифлиги ҳам унинг мактабдаги ўқув жараёнига мослаша олмаслигига сабаб бўлиб, тез чарчаш, турли касалликларга мойиллик ҳамда ўқув фаолиятида фаол иштирок эта олмаслик билан боғлиқ қийинчиликларга сабаб бўлади. [1]

Мактабга мослаша олмаслик боланинг билиш жараёнлари ва психик функцияларнинг шаклланишидаги нуқсонлар билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб. Бу

хотира, диққат, тафаккур, идрок каби когнитив жараёнларнинг ривожланишидаги орқада қолиши билан намоён бўлади.

Болада ўқиш ва ёзиш кўникмаларининг етарли шаклланмаганлиги, жумладан, дислексия ва дисграфия каби ҳолатлар билан боғлиқ бўлиб, бу каби муаммолар боланинг таълим жараёнида муваффақият қозонишига жиддий тўсиқ бўлади.

Навбатдаги омил эса боладаги ҳаракат (мотор) бузилишларининг мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, унинг майда ва йирик моториканинг ривожланмаганлиги туфайли ёзиш, чизиш ва бошқа амалий фаолиятларни бажаришни қийинлаштиради.

Бола хулқидаги эмоционал бузилишлар туфайли унда хавотир, қўрқув, агрессия ёки тушкунлик ҳолатларининг мавжудлиги мактаб муҳитига мослашувига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам бу муаммо жудаяб долзарб бўлиб, агар ўз вақтида профилактика, диагностика ва коррекцион ишлар олиб борилмайдиган бўлса бу боланинг онтогенезида улкан ҳамда тузатиб бўлмас муаммоларни келтириб чиқаради. Мактаб дезадаптациясининг профилактикасида энг муҳим йўналишлардан бири – бу бошланғич синф ёшидаги болаларнинг мактабга мослашганлик даражасини баҳолашга қаратилган психологик диагностика ишларини самарали ташкил этишдир. Бундай диагностика боланинг таълим муҳитига қай даражада мослашаётганини аниқлаш имконини беради ҳамда муаммоларни эрта босқичда бартараф этишга хизмат қилади. [3]

Мактаб дезадаптацияси боланинг мактаб шароитларига умумий мослашув жараёнининг бузилиши бўлиб ушбу ҳолат, одатда, боланинг ўқиш қобилиятининг пасайиши, ўқитувчилар ва синфдошлар билан ўзаро муносабатларининг ёмонлашуви орқали намоён бўлади.

Мактаб дезадаптацияси барча ёшдаги ўқувчиларда учраши мумкин, бўлсада бошланғич синф ўқувчиларида ўз вақтида аниқлаш ва профилактика қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Чунки айнан шу даврда боланинг мактабга нисбатан муносабати, ўқув мотивацияси ва ижтимоий кўникмалари шаклланади. [6]

Юқорида айтиб ўтганимиздек бир неча омилларининг таъсири боланинг мактабга психологик мослашув жараёнида бузилишларни келтириб чиқаради, натижада у мактаб талабларига мослаша олмаслик билан боғлиқ муаммога дуч келади. Шу сабабли мактаб дезадаптацияси фақат педагогик ёки психологик эмас, балки тиббий-биологик муаммо сифатида ҳам қаралиши керак бўлади.

Шунга кўра мактаб таълимига мослаша олмаслик “касаллик, соғлиқнинг ёмонлиги”, “ривожланиш ёки хулқ-атвордаги нуқсон” нуқтаи назаридан ҳам баҳоланади. Бошланғич синф ўқувчиларини мактабга қабул қилишдан олдин ёки таълим босқичларидан бирига ўтиши жараёнида ҳам ривожланиш даражасини баҳолаш учун мажбурий тест синовларини жорий этиш ҳам айнан шу тиббий-биологик ёндашувнинг натижаси сифатида кейинги синфларда бола ва унинг ота-онаси, синф ўқитувчилари учун ёрдам беради.

Айрим болалардаги мактаб таълимига мослаша олмаслик билан боғлиқ бузилишлар туфайли ўқувчи шахсига нисбатан айрим ўринларда турли “ярликлар” ёпиштирилиши орқали баҳоланади ва бу жараёнда тиббий терминлар оддий кундалик тушунчалар билан алмаштирилади, масалан: «психопат», «истерик», «шизоид» кабилар. болага нисбатан бундай терминларни қўллаш кўп ҳолатда педагог ва психологнинг бола билан етарли даражада иш олиб бормаётганлиги ҳамда ўзининг тарбиялаш ва ўқитиш вазифаларини сидқидилдан бажарамаётганлигидан далолат беради.

Афсуски, мактабга мослаша олмаслик ҳолатлари тахминан 15–20 % бошланғич синф ўқувчиларида кузатилади. Айрим психологларнинг фикрига кўра, бундай болаларга ҳатто психотерапевтик ёрдам талаб этилиши мумкин.

Болаларнинг тартибли ва тизимли тарзда мактабдаги ўқишга мослашуви жараёнида уларнинг когнитив, мотивацион ҳамда эмоционал-иродавий соҳалари қайта қурилади. Ушбу қайта қурилиш жараёни “мактабга мослашув” ёки “мактаб адаптацияси” деб аталади. [2]

Боланинг дарсларга нисбатан ижобий эмоционал муносабати таълим жараёнининг самарадорлиги учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис,

мактабда самарали ўқишни таъминлаш учун болада шу муносабатни шакллантириш зарур. Олиб борилган изланишларга қараганда адаптациянинг оптимал даври одатда 1–2 ойдан иборат бўлади. Аммо бу муддат боланинг мактаб ҳаётига мослашув даражаси юқори, меёрида ёки паст бўлиши мумкин.

Ўқувчилардаги мактаб дезадаптацияси хавфини камайтириш ва уларнинг таълимдаги қийинчиликларни енгиб ўтиши учун катталар – ота-оналар, ўқитувчилар, шифокорлар, шунингдек мактаб маслаҳатчи педагоги ёки психологининг ҳамкорлиги зарур.

Боланинг мактаб таълимига мослашув даражаси, унинг мактаб талабларига мувофиқ хулқ-атвори ҳақидаги зарур маълумотлар турли усуллар орқали олиниши мумкин. Бу бошланғич синф ўқувчилари билан бевосита кузатув олиб бориш, ҳамда махсус психологик тадқиқотлардан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бундай тадқиқотлар проектив усулларни, анкета синовларини ўз ичига олади.

Мактабга адаптация жараёнининг муҳим белгиларидан бири боланинг ўқишга бўлган мотивациясидир. Агар боланинг ички ўқиш мотивлари ривожланмаган бўлса ёки ўқишга нисбатан салбий мотивация бўлса, бу ҳолат ижтимоий-психологик, интеллектуал ва эмоционал адаптациянинг секинлашишига олиб келади. [5]

Мактабга мослашув кўрсаткичлари кўпроқ ташқи омилларнинг умумлаштирилган таъсири сифатида намоён бўлади. Бу омилларга таълим шароитлари, ота-онанинг муносабати ва кутувлари, шунингдек ўқитувчиларнинг фаолияти киради.

Боланинг мактабга тайёргарлиги – бу унинг мактаб таълимига тизимли тарзда киришиш қобилияти бўлиб, мактабдаги муваффақиятли ўқишнинг асосий шarti ҳисобланади. Агар мактабга тайёргарликнинг ҳеч бўлмаганда бирорта компоненти етарли даражада ривожланмаган бўлса, бу боланинг адаптация жараёнига салбий таъсир кўрсатади ва ижтимоий-психологик жараёнларда қийинчиликлар туғдиради.

С.А. Беличеванинг таърифича, дезадаптация – бу «боланинг ижтимоий-психологик ва психофизиологик ҳолати мактаб таълим муҳити талабларига мос

келмаслигини кўрсатувчи аломатлар тўплами бўлиб, уларнинг ўзлаштирилиши турли сабабларга кўра қийинлашади ёки, энг оғир ҳолатда, имконсиз бўлади». [1]

Мактаб дезадаптацияси учта асосий компонентдан иборат бўлиб: когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентлари.

**1.** Когнитив компонент мактабга ўқишга кираётган биринчи синф ўқувчисининг мактабга кираётганини, талаблар ўзгарганини англаши кераклигини назарда тутаяди. Муваффақиятли когнитив адаптациянинг индикатори – боланинг ўқувчи сифатида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаши ҳамда мактабнинг нима учун кераклиги ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланиши ҳисобланади.

**2.** Эмоционал компонент боланинг мактабга нисбатан ҳиссий муносабати ва ундаги қизиқишини ўз ичига олади. Боланинг дарсларга ижобий муносабати, кўрқув, ташвиш ёки тушкунлик ҳолатлари адаптация жараёнига сезиларли таъсир қилади.

**3.** Хулқ-атвор компоненти эса боланинг мактабдаги ҳар кунги фаолияти, синфда мавжуд қоидаларга мослашуви ва ўқув жараёнидаги ижобий хулқ-атворини ўз ичига олади. Бу компонентдаги муаммолар қоидаларни бузиш, муштлашув ёки диққатнинг пасайиши каби ҳолатлар орқали намоён бўлиши мумкин. [2]

**Мактаб дезадаптацияси** кўп ҳолатда турли вазиятларнинг ўзаро боғлиқлиги билан ҳам бирга кечади. Жумладан мактабда етарлича болага эътибор қаратилмаслиги, ўқитувчининг барча ўқувчига бирдай эътибор қаратмаслиги натижасида ҳам юзага келади ҳамда бу ҳолат б олда мактабга келишга бўлган мотивларни пасайишига ёки сусайишига олиб келади.

Боланинг соғлиғи билан боғлиқ муаммолар туфайли бола мактабда тез чарчайди, диққатини бир жўга тўплай олмайди, ўқув дастурини яхши ўзлаштиришига тўсқинлик қилади.

Боланинг дезадаптациясининг яна бир сабаби – оиладаги муносабатлар бўлиб агар она ва ота боланинг мактабдаги муваффақиятсизликларига ортикча эмоционал реакция қилса, бу боланинг ўзини баҳолашига жиддий таъсир кўрсатади. Бола хато

килишдан кўрқади ва натижада мактаб билан боғлиқ барча фаолиятида ортга кетиш ҳолати ҳам кузатилади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда мактаб дезадаптацияси кўп омилли, мураккаб психологик-педагогик ҳодиса бўлиб, унинг келиб чиқишида ижтимоий-педагогик қаровсизлик, депривация, соғлиқ билан боғлиқ муаммолар, когнитив ва мотор ривожланишдаги нуқсонлар, шунингдек, оилавий муҳит ва таълим шароитлари муҳим ўрин тутди. Ушбу омиллар ўзаро боғлиқ ҳолда боланинг когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор соҳаларида бузилишларни юзага келтириб, унинг мактаб муҳитига тўлиқ мослаша олмаслигига сабаб бўлади.

Шу боис, мактаб дезадаптациясини бартараф этиш ва унинг олдини олишда комплекс ёндашув талаб этилади. Айниқса, эрта диагностика, индивидуал ёндашув, психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш ҳамда ота-она, ўқитувчи ва мутахассислар ўртасидаги самарали ҳамкорлик ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бунда боланинг шахсий хусусиятлари, эҳтиёжлари ва ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда профилактик ва коррекцион чора-тадбирларни мақсадли ташкил этиш муҳимдир. [4]

Шунингдек, болада мактабга нисбатан ижобий муносабат, ўқиш мотивацияси ва ижтимоий кўникмаларни шакллантириш дезадаптация хавфини сезиларли даражада камайтиради. Демак, бошланғич таълим босқичида боланинг мактабга мослашув жараёнини тўғри ташкил этиш нафақат унинг таълимдаги муваффақиятини, балки келгусидаги шахсий ва ижтимоий ривожланишини ҳам таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

- 1.Беличева С. А. Превентивная психология. М.-СПб., 2012. 331 с. 6.
- 2.Гуревич, К.М. Индивидуально психологические особенности школьников / К.М. Гуревич. – М.: Знание, 1988. – 80 с. 22.
- 3.Давыдова С.Е. Влияние психокоррекции на снижение уровня тревожности у подростков в условиях образовательного учреждения // Молодой ученый. – 2016. – №18. – С. 178-182. 23.

4. Дворская Н.И. Психогимнастика как средство развития и формирования эмоционального благополучия дошкольников // Молодой ученый. – 2015. – №10. – С. 1147-1150.
5. Детская практическая психология: Учебник / Под ред. проф. Т.Д. Марцинковской. – М.: Гардарики, 2000. – 255 с. 25. Диагностика школьной дезадаптации: Науч.-метод. пособие / под ред. С.А. Беличевой, И.А. Коробейникова, Г.Ф. Кумариной. – Москва: Редакционно-издательский центр «Социальное здоровье России», 1993. – 127 с.
6. Жигулина Т.А. Профилактика дезадаптационных состояний у детей и подростков в условиях общеобразовательной школы // Молодой ученый. – 2015. – № 22 (102). – С. 784-787.
7. Молодцова Т. Д. Основные виды и типы дезадаптации // Научно-методический электронный журнал «Концепт». 2013. № 5 (май). С. 51–55